

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 203-ҳадис

«**ମୁଖ୍ୟ** କାହାର ପାଇଁ :**ମୁଖ୍ୟ** କାହାର ପାଇଁ କାହାର ପାଇଁ
କାହାର ପାଇଁ କାହାର ପାଇଁ କାହାର ପାଇଁ» :**ମୁଖ୍ୟ** କାହାର
କାହାର ପାଇଁ କାହାର ପାଇଁ କାହାର ପାଇଁ କାହାର ପାଇଁ
«**ମୁଖ୍ୟ** କାହାର ପାଇଁ କାହାର ପାଇଁ କାହାର ପାଇଁ କାହାର
ପାଇଁ - କାହାର ପାଇଁ କାହାର ପାଇଁ କାହାର ପାଇଁ କାହାର
ପାଇଁ କାହାର ପାଇଁ କାହାର ପାଇଁ» :**ମୁଖ୍ୟ** - କାହାର
କାହାର ପାଇଁ କାହାର ପାଇଁ ».

ମୁଖ୍ୟ (ପ୍ରକାଶକାରୀଙ୍କ) ପରିଚୟକାରୀ ହେଲା : (ପ୍ରକାଶକାରୀ) : ପରିଚୟକାରୀ

1. 203. Ибн Масъуд розияллоҳу анҳұдан ривоят қилинади:

«Расууллоқ соллаллоқу алайхи васаллам шундай дедилар: «**Бану Исроилга биринчи кириб келган камчилик шуки, бир одам бошқа бир одамни кўриб, «Хой, Аллоҳдан тақво қил! Тўхта! Нима қиляпсан? У сен учун ҳадол эмас».** дер эди. лекин бу уни эртасига ўша одамни

яна ўша ҳолатда кўрганда у билан еб-ичишдан, у билан бирга ўтиришдан қайтармас эди». (яъни, ёмон кимса билан муомала қилиб юраверар эди). Мана шундай қилиб юраверишганидан кейин Аллоҳ таоло уларнинг қалбларини бир-бирига уриб (бир хил қилиб) қўйди. Кейин у зот «Бану Исроилдан куфр келтирганлар Довуд ва Ийсо ибн Марям тилидан лаънатландилар**. Бу эса осийлик қилганлари, тажовузкор бўлганлари учун бўлди. Улар қилинган ёмон ишдан бир-бирини қайтармас эдилар. Бу қилмишлари нақадар ёмон! Улардан кўплари куфр келтирганларни дўст тутганини кўрасан. Қасамки, уларга нафслари тақдим қилган нарса - Аллоҳнинг уларга ғазаб қилгани ва азобда мангуболишилари нақадар ёмон! Агар Аллоҳга, Расулга ва унга нозил қилинган нарсага иймон келтирганларида уларни дўст тутмас эдилар. Лекин уларнинг кўпчилиги фосиқлардир»[1] оятини ўқидилар. Сўнгра яна: «**Йўқ, Аллоҳга қасамки, сизлар албатта яхшиликка буюинглар, мункардан қайтаринглар, золимнинг қўлидан ушлаб, ҳаққа буриб қўйинглар ва ҳақда тутиб туринглар. Ёки Аллоҳ қалбларингизни бир-бирига уриб, бир хил қилиб қўяди. Сўнгра Бани Исроилни лаънатланганидек сизларни ҳам лаънатлади**».**

Абу Довуд ва Термизийлар ривояти. Термизий ҳасан ҳадис, дедилар.

Бу лафз Абу Довудникидир. Термизийнинг ривоятлари лафзида қуйидагича келган:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Бани Исроил гуноҳларга кўмилиб кетишганида, уламолари уларни гуноҳ қилишдан қайтарди. Лекин улар бундан ўзларини тўхтатишмади. (Қавм тўхтамагандан кейин уламолари ҳам) улар билан бир мажлисда ўтириб, бирга овқатланиб, ичиб (алоқани узмасдан аралишиб) юраверишид. Аллоҳ таоло уларнинг қалбларини бир-бирига уриб (бир хил қилиб) қўйди, улар исён ва ҳаддан ошганликлари сабабли Довуд ва Ийсо ибн Марям тилидан уларни лаънатлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суяниб турган эдилар, ўтиридиларда: Йўқ, бундай бўлманг! Жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, золимларни ҳаққа мойил қилиб, унга уларни маҳкам эгинклар», деб айтдилар».**

[1] Моида сураси, 78-81-оятлар.

Манба: hadis.islom.uz



